

Корхона хотин-қизлари дам олиш кунларини спорт-соғломлаштириш ўйинлари билан ўтказишди

// 02 април 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/korhona-hotin-qizlari-dam-olish-kunlarini-sport-soglomlashti>



“Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖ хотин-қизларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом турмуш тарзига ўтишларини таъминлаш, аёллар ўртасида учраётган зарарли одатлар, аср касалликларидан асраш мақсадида энгил атлетика спорт ўйинлари ўтказилди.

Унда аёллар

- 100 метрга югуриш;
- арқонда сакраш;
- узунликка сакраш каби шартларда ўз маҳоратларини синаб кўришди.

Мусобақа натижаларига кўра,

1-ўрин Матбуот котиби С.Суюновага;

2-ўрин Хўжалик бўлими ишчиси Гулмира Темировага;

3-ўрин Қозонхона оператори Элмера Муйидиноваларга насиб этди.

Корхона хотин-қизлари учун ташкил этилган мусобақа кўтаринки руҳда бўлиб ўтди ва эсда қоларди таассуротларга бой бўлди. Яқунда ғолибларга корхона раҳбариятининг эсдалик совғалар топширилди.







“Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖ Матбуот хизмати